



Self-education in adolescence psychological features of control

Tursunboy MUYDINOV ¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2024

Received in revised form

15 August 2024

Accepted 25 August 2024

Available online

15 September 2024

Keywords:

aggressive behavior,
psychological attacks,
modern beliefs,
physical aggression.

ABSTRACT

In this article, mental changes in individuals are consistently linked to social phenomena throughout different periods of time. Specific mental changes can arise as a result of nature, society, or their interaction, either repeating previous patterns or taking on a new character. Similarly, adolescence, a period marked by intense emotional experiences, unfolds in a distinct, dynamic, and vibrant manner.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss8/S-pp133-140>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўсмирлик даврида ўзини-ўзи назорат қилишнинг психологик хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

агрессив хулқ-атвор,
психологик хуружлар,
замонавий тасаввурлар,
жисмоний агрессия.

Ушбу илмий мақолада инсондаги психик ўзгаришлар ҳар доим ижтимоий ҳодисаларга боғлиқлиги ҳақида фикрлар баён этилган.

Психологические особенности самоконтроля в подростковом возрасте

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

агрессивное поведение,
психологические атаки,
современные
представления,
физическая агрессия.

В данной научной статье высказывается мнение, что психические изменения человека всегда обусловлены социальными событиями. Специфические изменения в психике могут повторяться или принимать новые формы под влиянием природы, общества или их взаимодействия.

¹ Acting Associate Professor, PhD, Andijan State University

Подобным образом подростковый возраст, являясь периодом бурных перемен, протекает с особой яркостью и стремительностью.

Ўсмирлик даврининг (11-12 ёш ва 15-16 ёш) асосий кўрсаткичлари – бу психофизиологик ўзгаришлардир. Улар организмидаги эндокрин ўзгариш билан боғлиқ жинсий етилиш фазаси орқали кузатилади. Белгиланган ўзгаришларнинг бошланиши ва тезлиги қизлар ва йигитларда хилма-хил бўлади. Турли хил физиологик тизимлар иккала жинсдаги ўсмирда ҳам бир вақтда ривожланмайди. Натижада, бош миёдаги қон айланишининг секинлашуви тормозланиш жараёнларининг тезлашишига, тез чарчоқ ҳосил этишига, кайфиятнинг кескин ўзгаришига, эмоционал мувозанатсизликка, уйқунинг бузилишига сабаб бўлади. Шу билан биргаликда хотира ҳажмида ҳам сезиларли муаммолар вужудга келади. Ўсмирлардаги бу пайтдаги асосий белгилар ўзини англаш, ўзини катталарча тутиш кузатилади,

ўсмирлик даврининг иккинчи фазасида (қизларда 13–15 ёш, ўғил болаларда 15–16 ёш) руҳий мувозанат биров бузилади: аҳамиятли тарзда хафа бўлиш, танбеҳга ноадекват жавоблар, негативизм ва тартибсизлик юзага келади. Организмнинг шиддатли анатом-физиологик қайта қурилиши ўсмирларнинг ўз ташқи кўринишларига қизиқишининг пайдо бўлишига олиб келади ёки аксинча. Ўз навбатида агрессия, агрессивлик каби ҳолатлар ҳам содир бўлади.

Ўсмирдаги агрессив хулқ-атворнинг шаклланишида икки хил характерга эга бўлган ташқи ва ички омиллар муҳим рол ўйнайди. Уларга: 1) ички омил (жинсий хусусиятлар, асаб тизими, темперамент ва характернинг мустаҳкамлик даражаси, ўз-ўзини такомиллаштиришда асосий эҳтиёжлар, ўзини намоён этиш ва мулоқотнинг қондирилмаганлиги), 2) ташқи омиллар (жисмоний муҳит ҳолати, оилавий мулоқот услуби, тенгдошлар томонидан социал таъсирлар, болалар томонидан алкоголь ичимликлар ва наркотиклар истеъмол этиш ва салбий ОАВ га берилиш).

Ўсмирлардаги ўзига хос белгиларни Эргаш Ғозиев қуйидаги сўзлар билан етарлича изоҳлаган: “Ўсмирлик даври тақдидчанлиги, муқим нуқтаси назарнинг шаклланмаганлиги, ҳиссиётлилиги, мардлиги, тантилиги билан

Агрессивлик намоён бўлиши биологик жинсга боғлиқ бўлиб қолмай, балки психологик (маскулин, андрогин ва феминин) хусусиятларга ҳам боғлиқ. Агар эътибор берилса, маскулин аёл ва эркаларда қатъийлик, бетартиблик, феминин аёл ва эркаларда бетартиблик, хафа бўлиш, гумонсираш мавжуд бўлади [61].

Баас-Дарки сўровномаси агрессияни тадқиқ этишдаги чет эл психологиясининг машхур методикаларидан бири ҳисобланади. Замонавий тасаввурлар бўйича агрессия мураккаб вазиятлардаги муаммолар ечимини топишда руҳий зўриқишни тақозо этади. Айни кундаги энг тезкор ахборот-психологик хуружларнинг асосий қуроли ўсмирлардаги агрессив ҳолатларни уйғотишга йўналтирилган. Қуйида эса қишлоқ ўқувчи респондентлар мисолидаги Баас-Дарки сўровномаси бўйича умумий баллар йиғиндиси келтирилган.

Агрессив ҳолатлар ва улар компонентларининг турли жиҳатлари бир қатор тадқиқотларда ёритилган бўлишига қарамай, у ўсмирлик даврида ўзини ўзи

назорат қилишнинг психологик механизмларига дахлдор ҳолатда етарлича ўрганилмаган. Маълумки, илгари барқарор тарзда намуна ва меъёр сифатида киритилган ўсмирларга хос хусусият ҳамда жиҳатлар кейинги йилларда жаҳонда кескин юз бераётган турли воқеликлар, ҳодисалар, ахборот, психологик хуружлар таъсири остида ўзгариб борапти. Мазмунан, жаҳондаги оламшумул воқеликлар регрессив кўриниш оляпти. Бу ҳолат примитив ва агрессив ҳолатни эслатади. Шунга мувофиқ бирламчи ҳолат агрессияни ўрганиш сифатида тадқиқот методи Баас-Дарки агрессивликни ўрганиш методи танланди. Мазкур тадқиқотда ўсмирлик даврида агрессив ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилишнинг бу психологик ҳодиса ўз ичига олган бошқа унсурлар билан алоқасини, яъни ўзини ўзи назорат қилишни ташкил этувчи турли таркибий бирликларнинг ўзаро алоқа муносабатларини текшириш режаси кўзланган эди. Бунинг учун тадқиқотда Баас-Дарки томонидан таклиф этилган агрессив ҳолатлар компонентларини текширишга мўлжалланган методика қўлланилди. Шу билан биргаликда агрессивлик яққол намоён бўлиши учун жинс фарқлари бўйича ҳам тадқиқот олиб борилди. Бунда тадқиқот иши олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

Вазифалар:

1. Ўсмирлардаги агрессивликнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик хусусиятларини аниқлаш.
2. Ўсмирлар гуруҳида жисмоний агрессияга нисбатан бошқа агрессия компонентларининг қиёсий даражасини тадқиқ этиш.
3. Агрессив ҳолатларнинг жинс фарқлари бўйича ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

Эмпирик текширув натижалари миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиниб, асосий кўрсаткичлар жадвал ва диаграммаларда акс эттирилди. Жисмоний агрессия билан бошқа турдош агрессив компонентлар ўртасидаги тафовут ҳам юқори даражада кўрсатиляпти. Лекин натижалар исботи юқори аниқликни талаб этгани учун биз математик статистика методи – Стьюдентнинг t - мезони орқали буни кўриб чиқамиз.

$$t = \frac{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}{\sqrt{(S_x^2) + (S_y^2)}} \quad \text{Стьюдент мезони}$$

$\bar{x}$ = ўрта арифметик қиймат

S_x^2 = ўрта арифметик қиймат хатоси

Қуйида қишлоқ қизларининг Баас-Дарки агрессивликни ўрганиш сўровномаси бўйича агрессив компонентларининг Стьюдент t_{st} мезони орқали олинган натижалар таҳлили келтирилган бўлиб, унга кўра жисмоний агрессияга нисбатан барча агрессия компонентлари қиёслаб ўрганилган. Аввалига умумий респондентлардаги жисмоний агрессиянинг қиймати бир-бирига қўшилиб, сўнгра умумий респондентлар сонига бўлинади. Ўртача арифметик қиймат аниқлаб олингач, ўртача арифметик қиймат хатоси топилади. Бунинг учун математик Блохинскийнинг респондентлар сони бўйича коэффициент қиймати ўртача арифметик қиймат хатоси учун белгиланади. Сўнгра агрессив компонентдаги катта

қийматдан кичик қиймат айрилади. Айрилган суратдаги қиймат Блохинский коэффиценти ва респондентлар сонининг илдиз остидан чиқарилган қийматининг кўпайтмасига бўлинади. Олинган натижа ўртача арифметик қиймат хатоси ҳисобланади. Жисмоний агрессия компоненти қийматлари барча кейинги еттита агрессия компонентларига қиёсланади.

Жисмоний агрессиянинг бошқа агрессия турлари билан Стъудент усулида қишлоқ қизлари мисолида текширилган натижалари:


$$\bar{x} = 6,73$$

$$\text{Жисмоний агрессия } S_{\bar{x}} = 0,27 \quad k = n_1 + n_2 - 2 = 58$$

(2-жадвал)

№	Агрессия турлари	n	$\bar{x}$	$S_{\bar{x}}$	k	$t_{\phi} =$	$t_{st} =$	P
1	Сохта агрессия	30	6,2	0,27	58	1,39	2,02	P=0,05
2	Жаҳлдорлик	30	4,8	0,31	58	4,70	3,55	P=0,001
3	Негативлик	30	2,9	0,18	58	11,96	3,55	P=0,001
4	Хафа бўлиш	30	4	0,27	58	7,18	3,55	P=0,001
5	Гумонсираш	30	5,73	0,27	58	2,63	2,7	P=0,01
6	Вербал агрессия	30	7,8	0,36	58	-2,37	2,02	P=0,05
7	Айбдорлик ҳисси	30	6,16	0,27	58	1,5	2,02	P=0,05

Кўриниб турибдики, бу ерда ишончлилик даражасида кескин фарқлар кузатиляпти. 1-жадвал натижаларидан фарқли равишда қишлоқ қизларидаги энг асосий юқори кўрсаткичлар негативлик, хафа бўлиш ва жаҳлдорлик, яъни Стъудент бўйича $t_{\phi} = t_{st} = 3,55$ бўлганда улардаги ишончлилик **P=0,001** даражада. Демак, қишлоқ қизларидаги негативликнинг юқори бўлиши ушбу компонентга мос равишда пасив қаршилиқни англатади. Бу эса қизлардаги ўзига хос жинсдаги фарқини ифодалайди. Қолаверса, негативлик ўсмирлик инқирозининг асосий кўзга ташланадиган одатий кўринишидир. Яъни, 2-3-4- компонентларда $t_{\phi} > t_{st}$ ва t_{st} даги фарқлар **3,55** бўлиб, **P=0,001** даражада ишончли, лекин 2-компонентда 3 ва 4 – компонентга нисбатан ишончлилик пастроқ, 1- ва 6-7 компонентларда эса аксинча бўлиб, $t_{\phi} < t_{st}$ ҳолат қайд этиляпти, ишончлилик эса **P=0,05** даражада. 5-компонентда бу атиги **P=0,01** ишончлилик даражаси билан $t_{\phi} = 2,63 > t_{st} = 2,7$ ҳолатни намоён этапти.



4-жадвалдан кўриниб турибдики, шаҳар ўсмир қизларида ҳам қишлоқ қизларига нисбатан негативликда ўхшашлик мавжуд. Негативлик ўз навбатида ўрнатилган тартиб-қоидага риоя этишдан йироқлашиш маъносини ҳам ифодалайди. Булар қаторида хафа бўлиш, жаҳлдорлик ва сохта агрессиянинг ишончлилик даражаси ва вербал агрессиянинг ўртача арифметик қиймати ҳам юқори. Сўнгги жумла жисмоний агрессияга нисбатан устун туриши, лекин унинг t_{st} бўйича вақтинча ҳолат эканлиги маълум бўляпти. Бу ердаги ҳолат $t_{\phi}=3,78 > t_{st}=3,55$ дан иборат. Яъни, 4-компонентда $t_{\phi} > t_{st}$ ва t_{st} даги фарқлар 3,55 бўлиб, $P=0,001$ даражада ишончли, 5-7-компонентларда эса аксинча бўлиб, $t_{\phi} < t_{st}$ ҳолат қайд этиляпти, ишончлилик эса $P=0,05$ даражада. 2- ва 4-компонентларда $P=0,01$ ишончлилик даражаси билан $t_{\phi}=3,01 > t_{st}=2,7$ ва $t_{\phi}=3,39 > t_{st}=2,7$ ҳолатни намоён этяпти. Демак, шаҳар қизлари сўровнома бўйича сўнгги компонентларда жавобларни самимий тарзда билдириб ўтганлар.

Қишлоқ йигитлари бўйича ўрганилган 5- ва 6-жадвалларнинг ҳам ўзига хос фарқли хусусиятлари мавжуд. Жинсдаги фарққа биноан, йигитлардаги вербал агрессия ва айбдорлик ҳисси қиймат ва натижалари қуйи ҳолатда. Айбдорлик – бу ўз хатти-ҳаракатларини сўзсиз айблашдир. Айбдорликни ўз ишончи чегарасини англай олмаганида рўй беради. Болалардаги айбдорлик ҳисси ҳам юқорироқ даражани кўрсатяпти. Бу эса ўз навбатида йигитларнинг вербал агрессиядан кейинги виждон қийналиши билан боғлиқ ҳолда кечишини кузатишимиз мумкин. Бу ўсмир йигитлардаги ўзига баҳо бериш билан боғлиқ ҳолдаги одатий кечинмадир. Дастлабки ўртача арифметик қийматда негативлик энг қуйи натижани эгалласада, t_{st} 3,55 нинг $P=0,001$ ишончилиги бўйича энг юқори натижани қайд этяпти. Бундан далолат шуки, ўсмир йигитлардаги асл агрессия чуқур босим остида ва яширинган деб муҳокама этиш мумкин. 1-5 компонентларда $t_{\phi} > t_{st}$ ва t_{st} даги фарқлар 3,55 бўлиб, $P=0,001$ даражада ишончли, 6- 7 компонентларда $P=0,01$ ишончлилик даражаси билан $t_{\phi}=3,03 > t_{st}=2,7$ ва

$t_{\phi}=3,23>t_{st}=2,7$ ҳолатни намоён этяпти. Демак, қишлоқ йигитлари сўровнома бўйича сўнгги компонентларда самимий жавобни билдириб ўтганлар.

Баас-Дарки сўровномаси бўйича шаҳар ўқувчи респондентларининг кўрсаткичлари

(7-жадвал)

№	Жис	С	Ж	Н	Х	Г	В	А	
Ўғил болалар									
1.	10	4	4	3	6	7	10	8	52
2.	8	6	4	3	3	4	8	4	40
3.	5	4	6	1	5	4	8	3	36
4.	9	2	5	3	6	6	7	6	44
5.	5	4	4	4	1	4	4	6	32
6.	4	2	2	2	2	6	5	5	28
7.	6	5	3	3	4	7	6	8	42
8.	2	1	1	3	2	4	3	5	21
9.	5	4	3	4	7	10	8	8	49
10.	6	7	4	3	3	8	4	5	40
11.	7	6	3	3	5	8	8	7	47
12.	8	5	3	4	5	6	6	7	44
13.	8	5	4	3	5	6	7	7	45
14.	6	5	4	3	4	6	5	3	36
15.	9	3	2	5	4	8	6	6	43
16.	5	3	2	2	5	5	6	5	33
17.	4	1	2	5	5	5	8	4	34
18.	6	4	4	4	1	8	7	4	38
19.	8	5	3	-	2	6	9	4	37
	121	76	63	58	75	118	125	105	741


**Жисмоний агрессиянинг бошқа агрессия турлари билан Стьюдент
узулида шаҳар йигитлари мисолида текширилган натижалари**

$$\bar{x} = 6,36$$

Жисмоний агрессия $S_{\bar{x}} = 0,45$ $k = n_1 + n_2 - 2 = 36$

(9-жадвал)

№	Агрессия турлари	n	$\bar{x}$	$S_{\bar{x}}$	k	$t_{\phi} =$	$t_{st} =$	P
1	Сохта агрессия	19	4	0,34	36	4,21	3,55	P=0,001
2	Жаҳддорлик	19	3,31	0,28	36	5,75	3,55	P=0,001
3	Негативлик	19	3,05	0,22	36	6,62	3,55	P=0,001
4	Хафа бўлиш	19	3,94	0,34	36	4,32	3,55	P=0,001
5	Гумонсираш	19	6,21	0,34	36	0,26	2,02	P=0,05
6	Вербал агрессия	19	6,57	0,40	36	-0,35	2,02	P=0,05
7	Айбдорлик ҳисси	19	5,52	0,28	36	1,58	2,02	P=0,05



Шаҳар йигитларидаги ҳолат бирмунча қишлоқ йигитларидан фарққа эга. Сохта агрессия, жаҳддорлик, негативлик ва хафа бўлиш белгилари кўп ҳолларда улардаги мавжуд жисмоний ҳаракатларни сақланиб қолаётганлигидан дарак беради. Шу билан биргаликда шаҳар ҳудудида йигитлар учун мўлжалланган имкониятлар кўпроқ агрессив хусусиятга эга бўлаётгани ҳам сир эмас. Лекин ушбу кўрсаткичлар қишлоқ йигитларига нисбатан барқарор ривожланмаганлиги кўрсаткичлар бўйича қайд этиляпти. Вербал агрессиянинг дастлабки қиймат асосида юқори бўлиши асл агрессияни компенсация этиш билан баҳоланади. Гумонсираш соҳасида эса шаҳарда барқарор ижтимоий макон шаклланмаганлиги боис юқори кўрсаткичга эга. Шунинг учун шаҳар йигитларида гумонсираш негизида ўзгаларга ишончсизлик ва эҳтиёткорлик мавжуд. Аниқроқ кўрадиган бўлсак, бу ерда 1-4 компонентларда $t_f > t_{st}$ ва t_{st} даги фарқлар 3,55 бўлиб, $P=0,001$ даражада ишончли. 5-7 компонентларда эса аксинча бўлиб, $t_f < t_{st}$ ҳолат қайд этиляпти, ишончлилик эса $P=0,05$ даражада. Хулоса сифатида, шаҳар йигитларида сўнгги жавоблар бўйича носамимийликка йўл қўйилгани таъкидлаш жоиз.

Хулоса: Ўсмирлардаги ҳудудий ва жинсий тафовутлари жиҳатидан иродавий сифатларнинг ўзаро муносабат ва қиёсий даражалари ўрганилиб чиқилди. Унга кўра қишлоқ ва шаҳар қизлари қишлоқ йигитларига нисбатан ўзининг иродавий сифатларини очикроқ намоён этишган. Шаҳар йигитларида асосан эътиборга мойилликни шаҳар ва қишлоқ қизларига нисбатан пастлиги, лекин қишлоқ йигитларига нисбатан юқорилигини англатапти. Бунинг негизида шаҳарда расмий ва норасмий ижтимоийлашув, аҳолининг кўплиги ва воқеалар ривожининг жадаллиги, қишлоқ ҳудудида эса бу кўрсаткичларнинг аксинча эканлигидан далолат беради. Ташаббускорлик ва журъатлилик борасида қишлоқ йигитлари шаҳар йигитларидан кўрсаткичи юқорилиги уларнинг бевосита амалиёт билан кўп дуч келишидан далолат беради, мустақиллик борасида қишлоқ йигитларининг кўрсаткичлари шаҳар йигитларига нисбатан паст даражада бўлиши – бу уларнинг ҳаққоний жавоби ва қишлоқ ҳудудида анъаналарнинг мустаҳкамлиги ва қишлоқ йигитларининг уни буза олмаслигини англатади. Шаҳар ҳудудида эса оилавий анъаналар биров қишлоққа нисбатан сустлиги ва шаҳар йигитларининг ўз хоҳишлари бўйича интилишга мойиллигини билдиради. Бу борада қишлоқ ва шаҳар қизлари орасида акс ҳолатни кўришимиз мумкин. Маълумки, бугунги кунда аёллар ва эркеклар ҳуқуқларининг тенглиги кенг оммада билдириляпти. Бундан кўринадики, қишлоқ қизларининг маълумотли бўлишга интилиши туфайли уларнинг мустақил бўлишга хоҳиши юқори.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психологияси. Т.: «Ўқитувчи», 2002. - 106 б
2. Bjork D.W. (2013). B.F. Skinner, A Life. New York: Basic Books P. 119 - 120.
3. Kühl J. Historical perspectives in the study of action control. Action control: From cognitions to behavior // J. Kühl, G. Beckmann. - Berlin; N.Y., 2005.
4. Newman, J.P. Diverse pathways to deficient self - regulation; psychopathology in children. Special issue. Disinhibition disorders in childhood // J.P. Newman, J.F. Wallace. - Clinical Psychology Review, 2003. Vol. 13 (8). P. 699 - 720.